

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНинг АҲАМИЯТИ

Юлдуз Пирназаровна Урунбаева

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти

Амирор Темур Машраб ўғли

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти асисенти

Жаҳон амалиётида мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси қатор муҳим омиллар уйғунлигига тавсифланувчи хизмат кўрсатиш соҳасининг кўлами, унинг муҳим макроиктисодий кўрсаткичлардаги улуши, аҳоли жон бошига хизматларнинг ҳажми орқали аниқланади. Хизмат кўрсатиш соҳаси муайян давлат иқтисодиётiga катта ижобий таъсир кўрсатади ва тўғридан-тўғри аҳоли турмуш даражасини ошишига хизмат қилади. Бинобарин, ривожланган мамлакатларда соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 80 физни¹, умумий бандликда 70-75 фоизни ва жами корхоналар таркибида 90-95 фоизни ташкил этади². Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳаларини тубдан ислоҳ қилишга, уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга, барқарорлаштирувчи ролини оширишга, инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва рақобатбардошликни таъминлаш омили сифатида фойдаланишга ҳуқуқий асослар яратилди. Илғор фан-техника ютуқлари хизмат кўрсатиш соҳаларига жорий этилди, хизмат кўрсатувчиларни касбий ва қайта тайёрлашни кенгайтириш, йирик ва кичик хизмат кўрсатувчи корхоналар билан кооперациясини шартнома муносабатларини ривожлантириш асосида ташкил этиш механизmlарини кучайтириш, корпоратив муносабатлардаги иштирокини фаоллаштириш яхшиланди. Аммо, мустақиллик йилларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида қўлга киритилган ўлкан ютуқларга қарамасдан, хизматлар соҳасининг ривожланиши, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифати бўйича биз ривожланган мамлакатларда ҳамон жиддий орқада қолмоқдамиз. Шу сабабли хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш, унинг иқтисодиётдаги

¹ <http://bukvi.ru>

² John W.R. Phillips Social Security Programs Throughout the World: Europe, 2016. P. 18 ISSA.

улушини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини кўпайтириш асосида аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришга замин яратадиган замонавий илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда кейинги йилларда изчиллик билан олиб борилаётган иқтисодиётни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш сиёсати, инновацион жараёнларнинг тобора ривожланиб бораётганлиги жонли меҳнат унумдорлигига катта ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсиши оқибатида моддий ишлаб чиқариш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши нисбий қисқариши содир бўлмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Иқтисодиёт тармоқларининг 2000-2022 йилларда ялпи ички маҳсулотдаги улуши (фоизларда)³

№	Тармоқлар	Йиллар									
		200 0	200 5	200 6	200 7	200 8	200 9	201 0	201 5	202 0	202 2
1	ЯИМ, жами, шу жумладан:	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
2	Саноат	14,2	21,1	21,8	24,0	22,3	23, 6	26,7	25,7	27,7	25,6
3	Қишлоқ хўжалиги	30,1	26,3	25,1	21,7	19,4	18, 2	19,8	18,3	28,8	27,1
4	Қурилиш	6,0	4,8	5,1	5,5	5,6	5,9	6,6	7,3	6,1	6,4
5	Хизмат кўрсатиш	37,0	37,0	39,5	42,5	45,3	47, 2	46,9	48,7	37,4	40,9
6	Соф солиқлар	12,7	10,8	8,5	6,3	7,4	6,7	9,2	8,8	7,8	4,9

Бундан ташқари, бандлик муаммолари Ўзбекистонда ишлаб чиқаришда, (айниқса қишлоқ хўжалигида) керагидан ортиқча банд бўлган, лекин бозор муносабатлари мустаҳкамланиб борган сайин, аста-секин ишдан бўшаётган ишчи ходимлар ҳисобидан ҳам анча кескинлашди. Режали иқтисодиёт шароитида ишсизлик муаммоси, унумсиз, яхши самара бермайдиган иш ўринларини асосиз равища кўпайтириш, ишчи кучини қандай бўлмасин ижтимоий ишлаб чиқаришга

³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 1999-2023 йй маълумотлари асосида муаллифлар ишланмаси.

жалб этиш йўли билан ҳал қилинган. Бозор иқтисодиёти шароитида эса, юқорида қайд этганимиздек, барча ресурслардан, жумладан, меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш зарурияти кучаяди. Бундай шароитда олдинги даврларда асоссиз равишда, расман яратилган иш ўринларининг бекор қилиниши ва уларда “банд” бўлган ишчи ходимларнинг қисқариши ва натижада уларнинг ишсиз қолиши муқаррар. Ўзбекистонда ишсизлик ва бандлик муаммоси мамлакатда юзага келган мураккаб демографик вазият билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Аҳолининг табиий ўсиши даражаси юқори бўлган Ўзбекистонда балоғатга етган йигит ва қизлар ҳисобидан меҳнат ресурслари йилига 950 минг - 1 млн кишига кўпаймоқда. Юқоридагиларни умумлаштириб, Ўзбекистонда меҳнат бозорида ишчи кучи таклифи билан унга бўлган талаб ўртасидаги номутаносиблигнинг асосий сабабларини аниқладик бизнинг назаримизда булар: биринчидан – илмий-техника тараққиёти натижасида ижтимоий меҳнат унумдорлигининг узлуксиз ошиб бориши; иккинчидан – ижтимоий ишлаб чиқаришда керагидан ортиқча яратилган иш ўринларининг бархам топиши; учинчидан – мамлакатда юзага келган ва ҳозиргача маълум даражада сақланиб турган мураккаб демографик вазият. Хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсизлик муаммосини ҳал этишдаги улкан имкониятлари мавжудлигини илмий жиҳатдан асослаш, истиқболларини аниқлаш лозим. Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли пул даромадларини кўпайтириш муаммосини ечишда ҳам фаол иштирок этувчи соҳа ҳисобланади. Яқин йилларгача хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганлар сони ва уларнинг даромадлари моддий ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан анча паст, деган нуқтаи назар ҳукмронлик қилган бўлса, кейинги йилларда, яъни ушбу соҳада банд бўлганлар сони ва даромадлари нисбатан тезроқ суръатлар билан ошиб борган вақтлардан бошлаб, ушбу қарашларда ҳам кескин ўзгаришлар содир бўлди. Хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги, аҳоли даромадлари ва унинг турмуш даражаси кўрсаткичларини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамиятига тўғри баҳо бериш соҳага бўлган эътиборни кучайтиради, унда юзага келган муаммоларни ечимини излаб топиш заруратини ва жараёнларини тезлаштиради.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли даромадларини шакллантиришнинг таркибий қисмларига ва уларни ташкил этиш манбаларига аниқликлар киритилиши муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Ҳозирги шароитда хизмат кўрсатиш соҳасининг ва унда банд бўлганларнинг даромадлари таркибига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб бораётган барча хўжалик субъектлари ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларнинг (жисмоний шахсларнинг) тадбиркорлик фаолиятидан олаётган даромадларини;
- хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган ёлланма ишчиларнинг шахсий меҳнати натижалари ва қобилиятига мувофиқ олган иш ҳаки миқдорини;
- хизмат кўрсатиш соҳасини бошқариш ва тартибга солишда банд бўлган давлат органлари ва тизилмалари ходимларнинг иш ҳақларини;
- хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган, лекин ижтимоий ҳимояга муҳтож ишчи-ходимларга нисбатан давлат томонидан кўрсатилган моддий ёрдамни;
- хизматлардан фойдаланиш натижасида аҳоли даромадларининг тежалиши ва харажатларнинг камайишини (аҳоли харажатларининг камайиши шунча миқдорда унинг даромадлрининг кўпайганлигини англатади).

Аҳолига истеъмол учун таклиф этилаётган хизматлар ҳажмини жадал суръатлар билан ошириш, уларнинг сифатини ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдорини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, Ўзбекистонда устувор вазифалар сифатида қаралаётган баркамол авлодни тарбиялаш, аҳоли турмуш тарзини такомиллаштириш, халқимизга фаровон яшashi учун муносиб шарт-шароитлар яратишдек долзарб вазифаларни бажаришда муҳим роль ўйнайди. Ҳар томонлама етук, маданиятли, маърифатли баркамол авлодни тарбиялаш ғояси аҳолининг моддий ва маънавий ноз-неъматларга ва хизматларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш билан бир қаторда, унинг бўш вақтини⁴ кўпайтиришни ва ундан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

⁴Изоҳ:Инсон учун иккита баҳт борки, одамлар унинг қадрига етмайди биринчиси -соғлик, иккинчиси- бўш вакт(Ат-Термизий)

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидағи нутқи. “МАЪНАВИЯТ ҲАЁТИМИЗДА ЯНГИ КУЧ, ЯНГИ ҲАРАКАТГА АЙЛАНИШИ КЕРАК” Халк сўзи 2023 йил 23 декабрь, №274(8617) 3 бет.

2. Урунбаева.Ю.П. “Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш асосида ахоли турмуш даражасини ошириш истиқболлари” Автореферат С.: 2018., 59 б.

3. Yulduz P. Urunbaeva Increasing the impact of service sector on the living standards of population in innovative economy environment <http://sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/10387/5598> 2020. 05.

4. Мухаммедов М. ва бошқалар “Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари”- С.: Зарафшон 2017.-299 б.

5. Урунбаева Ю. П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва ахоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари. Монография. Тошкент.: «ФАН», 2013.- 156 б.

6. Мухаммедов М. Урунбаева Ю.П., ва бошқалар «Иқтисодиёт назарияси» дарслик. Т.: “FAN VA TEXNOLOGIYA”, 2918, 272 .

7. Урунбаева Ю. П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва ахоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари. Монография. Тошкент.: «ФАН», 2013.- 156 б.

8. Урунбаева, Ю. П. (2020). НЕКОТОРЫЕ ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ УРОВНЯ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЕ. In Российская экономика: взгляд в будущее (pp. 180-185).

9. Урунбаева, Ю. П. (2016). СФЕРЫ УСЛУГ И УРОВЕНЬ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ. In НАУКА СЕГОДНЯ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ И ПРИКЛАДНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ (pp. 97-99).

10. Урунбаева, Ю. П. (2016). Уровня жизни населения это социально-экономическая природа. In НАУКА СЕГОДНЯ: ФАКТЫ, ТЕНДЕНЦИИ, ПРОГНОЗЫ (pp. 58-60).

11. Урунбаева, Ю. (2016). Возможности увеличения свободного времени населения на основе развития сферы услуг. Экономика и инновационные технологии, (5), 88-93.

12.<https://e-itt.uz/index.php/eitt/article/download/742/725>